IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 23. Issue 02. Sentabr ,2026

СОЛИҚ ЮКИНИНГ КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИГА ТАЪСИРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАР ОРКАЛИ БАХОЛАШ

Райимжонова Гулноза Абдураимовна
ТАТУ асситент-ўкитувчиси, g.raimjonova@tuit.uz
https://doi.org/10.5281/zenodo.22865213

Аннотация. Корхоналар фаолияти давомида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг амалга оширилиши уларнинг молиявий ресурслари шаклланиши ва тақсимланишига бевосита таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, солиқ юкининг даражаси корхоналарнинг фойдалилиги, тўлов қобилияти, айланма маблағлари ҳамда инвестиция имкониятларига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Мазкур маколада умумий ва хусусий солик юкини хисоблаб чикиш методикаси ёритиб берилган. Шунингдек, солик юкини корхоналар молиявий холатига таъсирини ўлчашда кўлланиладиган бир нечта эконометрик моделлар таклиф килинган.

Калит сузлар: солик юки, умумий солик юки, хусусий солик юки, молиявий холат, активлар рентабеллиги, жорий ликвидлик, тушумнинг ўсиш суръати,

Кириш. Бугунги кунда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг инвестициявий фаоллигини оширишда самарали солиқ сиёсатини шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Солиқ юкининг меъёрий ва оқилона даражада бўлиши корхоналарнинг молиявий ресурсларини самарали бошқариш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини ошириши мумкин. Аксинча, солиқ мажбуриятларининг ортиши корхона ихтиёрида қоладиган молиявий ресурсларнинг қисқаришига, рентабеллик даражасининг пасайишига ва айланма маблағлар етишмовчилигига олиб келиши эҳтимоли мавжуд. Шу сабабли солиқ юки ва корхоналарнинг молиявий ҳолати ўртасидаги ўзаро боғлиқликни илмий жиҳатдан ўрганиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Солиқ тизимини такомиллаштириш жараёнида солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини аниқ белгилаш, солиқ юкини мақбул даражада шакллантириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда солиқ муносабатлари, жумладан, юридик шахслар томонидан тўланадиган асосий солиқлар Солиқ кодекси ва унга киритилаётган ўзгартишлар асосида тартибга солинади.

Корхоналар фаолиятида солиқ юкининг даражаси уларнинг молиявий натижаларига бевосита таъсир кўрсатувчи муҳим иқтисодий омиллардан бири ҳисобланади. Хусусан, фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, ижтимоий солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар корхонанинг пул оқимлари, соф фойдаси, айланма маблағлари

ва инвестиция имкониятларига таъсир кўрсатиши мумкин. Амалдаги солиқ тизимида юридик шахслар учун турли солиқ турлари ва уларнинг ҳисобланиш тартиблари белгиланган бўлиб, улар корхоналарнинг фаолият тури ва молиявий кўрсаткичларига қараб турлича таъсирга эга.

Айниқса, Ўзбекистонда солиқ-бюджет сиёсатининг ҳар йили такомиллаштириб борилаётгани корхоналарнинг молиявий ҳолатига солиқ юки таъсирини мунтазам тадқиқ этишни талаб қилади. Масалан, 2025 йил учун давлат бюджети ва солиқ сиёсати доирасида солиқ қонунчилигига бир қатор ўзгартишлар киритилган бўлиб, айрим солиқ тушумларининг ҳудудий бюджетларда қолдирилиши ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чоралар белгиланган. Шунингдек, айрим соҳаларда тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш мақсадида тўланган солиқларнинг бир қисмини қайтариш механизмлари ҳам жорий этилган.

Солиқ юкининг ортиши корхона ихтиёрида қоладиган фойданинг қисқариши, айланма маблағлардан фойдаланиш имкониятларининг чекланиши ва инвестиция фаоллигининг пасайишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, солиқ юкининг мақбул даражада бўлиши корхоналарнинг молиявий барқарорлигини сақлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва рақобатбардошликни ошириш учун зарур шартлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли солиқ юкини фақат солиқ тўловлари миқдори орқали эмас, балки унинг корхона тушуми, фойдаси, активлари ва бошқа молиявий кўрсаткичларга нисбати орқали баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар шарҳи. Солиқ юки ва унинг корхоналар молиявий ҳолатига таъсири иқтисодий адабиётларда муҳим тадқиқот йўналишларидан бири сифатида қаралади. Мазкур масалага оид тадқиқотларда солиқларнинг нафақат давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги фискал аҳамияти, балки тадбиркорлик фаоллиги, инвестиция жараёнлари, корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий ўсишга таъсири ҳам ўрганилган.

Солиқ юкининг назарий асослари классик иқтисодий мактаб вакиллари асарларида шаклланган. А.Смит солиққа тортишнинг адолатлилик, аниқлик, қулайлик ва тежамкорлик тамойилларини илгари сурган. Кейинчалик Ж.М.Кейнс солиқларни давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш воситаларидан бири сифатида баҳолаган. А.Лаффер эса солиқ ставкалари ва бюджет тушумлари ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этиб, солиқ юкининг ортиши муайян чегарадан кейин иқтисодий фаолликка салбий таъсир қилиши мумкинлигини асослаган.

Ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг ишларида ҳам ушбу назарий ёндашувларни миллий солиқ тизими шароитида қўллаш масалалари кўриб чиқилган. Жумладан, С.А. Воронин, З.Д. Мухитдинов ва М.Т. Жайдакбаев тадқиқотида Ўзбекистон солиқ сиёсатининг мустақиллик йилларидаги ривожланиш босқичлари ўрганилиб, иқтисодиётдаги солиқ юкини камайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларга эътибор қаратилган [2].

Ш.Тўраевнинг тадқиқотида корхоналарда солиқ юкини оптималлаштириш масалалари бевосита ўрганилган. Муаллиф солиқ юкини корхоналар молиявий

натижалари билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиб, уни мақбуллаштиришнинг корхона фаолияти самарадорлиги учун аҳамиятини асослайди [3].

К.Э. Ачилованинг 2025 йилдаги тадқиқотида солиқ сиёсатининг хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлигига таъсири назарий-методологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Муаллиф солиқ сиёсатининг фискал, регулятив ва рағбатлантирувчи функцияларини алоҳида кўриб чиқиб, солиқ юки ва солиқ имтиёзларининг инвестиция фаоллиги ҳамда корхоналар молиявий барқарорлиги билан боғлиқлигини тадқиқ этган [4].

Ш.Тошматов тадқиқотларида эса солиқ юкининг юқори даражаси корхоналарда солиқ қарзларининг кўпайиши, кредиторлик қарздорлигининг ортиши ва яширин иқтисодиёт кўламининг кенгайиши каби оқибатларга олиб келиши мумкинлиги таъкидланган. Бу ёндашув солиқ юкини фақат бюджетга тўланадиган солиқлар миқдори сифатида эмас, балки корхонанинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи комплекс омил сифатида баҳолаш зарурлигини кўрсатади [5].

Умуман олганда, мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, солиқ юкининг корхоналар молиявий ҳолатига таъсири бир қатор ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар орқали намоён бўлади. Булар қаторига соф фойда, рентабеллик, ликвидлик, айланма маблағлар, солиқ қарздорлиги ва инвестиция фаоллиги каби кўрсаткичларни киритиш мумкин. Шу билан бирга, мавжуд тадқиқотларнинг аксарияти солиқ сиёсати, солиқ юкини оптималлаштириш ёки алоҳида солиқ турларига бағишланган бўлиб, солиқ юкининг корхона молиявий ҳолатининг бир нечта кўрсаткичларига комплекс таъсирини Ўзбекистон корхоналари мисолида эмпирик баҳолаш масаласи қўшимча тадқиқотларни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, мазкур тадқиқотда солиқ юки ва корхоналар молиявий ҳолати ўртасидаги боғлиқликни комплекс баҳолаш, солиқ тўловларининг корхона фойдаси, рентабеллиги ва молиявий барқарорлигига таъсирини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқотда мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юки ва молиявий ҳолати ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганишга қаратилган бўлиб, тадқиқот методологияси солиқ юкининг корхона молиявий натижаларига таъсирини комплекс баҳолаш тамойилига асосланади.

Тадқиқот предметини эса солиқ юкининг корхоналарнинг соф фойдаси, рентабеллиги, ликвидлиги ва молиявий барқарорлигига таъсирини ифодаловчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, таққослаш, иқтисодий-статистик таҳлил, коэффициентлар усули ва корреляцион таҳлил усулларидан фойдаланилди. Мазкур усуллар ёрдамида солиқ юкининг ўзгариши ва корхоналар молиявий кўрсаткичларининг ўзгариши ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга ҳаракат қилинди.

Тахлил ва натижалар. Корхонанинг солиқ юкини баҳолашда жами солиқ тўловларининг корхона тушумига нисбати асосий кўрсаткич сифатида қабул қилинди. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

СЮ = (СТ / Т) × 100%

бу ерда:

- **СЮ** — солиқ юки даражаси;

- **СТ** — ҳисобот даври учун хисобланган, корхона томонидан тўланиши керак булган жами солиқлар ва мажбурий тўловлар;
- **Т** — корхонанинг жами тушуми.

Ёки куйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

$$SY_{\text{ум}} = \frac{\sum S_i}{T} \times 100\%$$

бу ерда:

- Si — ҳар бир солиқ тури бўйича тўлов;
- Т — корхонанинг жами тушуми.

Ушбу кўрсаткич корхона тушумининг қанча қисми солиқ мажбуриятларини бажаришга йўналтирилаётганини умумий тарзда ифодалайди.

Шунингдек, корхона тўлаши мажбур бўлган хар бир солик тури бўйича алохида алохида солик юкини хисоблаш ва буни хусусий солик юки деб аташ хам мумкин. Демак, хусусий солиқ юки — маълум бир солиқ турининг алоҳида юки.

Масалан, фойда солиғи:

$$SY_{\text{фс}} = \frac{\text{Фойда солиғи}}{\text{Тушум}} \times 100\%$$

ҚҚС:

$$SY_{\text{ҚҚС}} = \frac{\text{ҚҚС}}{\text{Тушум}} \times 100\%$$

Мол-мулк солиғи:

$$SY_{\text{мс}} = \frac{\text{Мол} - \text{мулк солиғи}}{\text{Тушум}} \times 100\%$$

Тадкикот мавзусини ёритишда кейинги кадам, солиқ юки билан бир қаторда корхонанинг молиявий ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларни таҳлил қилишдир. Чунки солиқ юки корхонанинг молиявий ҳолатига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади ва асосан куйидаги кўрсаткичларда ўз аксини топади:

- Фойданинг камайиши. Солиқ ва мажбурий тўловлар миқдори ошиши корхона ихтиёрида қоладиган соф фойдани камайтиради. Бу эса активлар рентабеллигини камайишига олиб келади. Активлар рентабеллиги куйидагича хисобланади:

$$ROA = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Жами активлар}} \times 100\%$$

- Айланма маблағларга таъсири. Солиқларни ўз вақтида тўлаш корхонанинг пул маблағларини камайтириши мумкин. Бу ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштиришга салбий таъсир қилиб, жорий ликвидликни пасайтиради. Жорий ликвидлик қуйидагича хисобланади:

$$CL = \frac{\text{Жорий активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}}$$

Шунингдек, солик юки корхонанинг инвестиция имкониятларига таъсир қилиши, яъни солиқ тўловлари ортиб кетса, корхонада модернизация, янги технологиялар ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қоладиган маблағ камайишга олиб келиши мумкин. Айрим ҳолларда корхонанинг солиқ харажатларини маҳсулот ёки хизмат нархига киритишга ҳаракат қилиши бозордаги корхона махсулоти нархининг рақобатбардошлигига салбий таъсир қилиши мумкин. Ва аксинча, солик имтиёзларининг берилиши ёки солик ставкаларининг камайиши корхона ихтиёрида кўпроқ маблағ қолишига ва инвестиция фаоллигининг ошишига хизмат қилиши мумкин.

Тадкикотнинг кейинги боскичи ана шундай богликларни, яъни солик юки ёки солик имтиёзларининг корхона молиявий холатига кай тарзда, кай микдорда таъсир килишини эконометрик моделлар ёрдамида ўрганиш бўлиб, бундай тадкикот натижалари нафакат корхона даражасида ахамиятга эга бўлиши, балки бутун бир мамлакат солик сиёсатида ўзгаришлар амалга ошишига туртки бўлиши мумкин.

1. Солиқ юкининг корхона молиявий натижасига қандай таъсир қилишини аниқлаш мақсадида қуйидагича регрессия модели тузиш мумкин:

$$ROA = \beta_0 + \beta_1 SY + \varepsilon$$

Бу ерда:

- ROA — корхонанинг активлар рентабеллиги;
- SY — солиқ юки;
- β0— доимий коэффициент;
- β1— солиқ юкининг ROA га таъсир коэффициенти;
- ε (varepsilon) — бошқа омиллар таъсири.

2. Ушбу оддий регрессия моделини такомиллаштириб, солиқ юкининг таъсирини бошқа молиявий омиллар таъсиридан ажратиб баҳолаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги кўринишдаги кўп омилли регрессия моделини тузиш мақсадга мувофикдир:

$$ROA = \beta_0 + \beta_1 SY + \beta_2 DAR + \beta_3 CR + \beta_4 GR + \varepsilon$$

бу ерда:

- ROA — корхонанинг активлар рентабеллиги;
- SY — солиқ юки;
- DAR — қарздорлик коэффициенти (жами мажбуриятларнинг жами активларга нисбати);
- CR — жорий ликвидлик;
- GR — тушум ўсиш суръати;

Хулоса ва таклифлар. Корхоналар фаолиятида солиқ юкининг шаклланиши ва унинг молиявий ҳолатга таъсирини баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Солиқ мажбуриятларининг оқилона даражада шаклланиши корхонанинг молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти, рентабеллиги, инвестицион имкониятлари ҳамда айланма маблағларининг етарлилигига таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, солиқ юкини фақат солиқ тўловларининг абсолют суммаси сифатида эмас, балки уларнинг корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларига нисбати сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, солиқ юкини умумий ва хусусий солиқ юкига ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқлиги асосланди. Умумий солиқ юки корхона томонидан тўланадиган солиқлар йиғиндисининг корхона тушумига нисбати орқали аниқланиб, мазкур кўрсаткич корхона тушумининг қандай қисми солиқ мажбуриятларини бажаришга йўналтирилаётганини умумий тарзда ифодалайди. Хусусий солиқ юки эса алоҳида солиқ турларининг тушумга нисбати оркали ҳисобланиб, бунда барча солиқ турлари учун ягона махраждан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз. Акс холда, яъни махражнинг хар хил базаларга тенг булиши шунчаки мазкур солик туринининг жорий ставкаларини кўрсатиб беради. холос. Масалан, фойда солиғи юкини солиққа қадар фойдага, ижтимоий солиқ юкини меҳнатга ҳақ тўлаш фондига, мол-мулк солиғи юкини эса тегишли солиқ солиш базасига нисбатан ҳисоблаш ушбу соликларнинг жорий йил учун белгиланган ставкасини хисоблаб чикаришнинг айнан ўзидир. Бундай маълумотлар эса хар йил охирида келаси йил учун ОАВ оркали эълон килиб борилади.

Солиқ юкининг корхона молиявий ҳолатига таъсирини аниқлашда корреляцион-регрессион моделлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда солиқ юки асосий мустақил ўзгарувчи сифатида, ROA эса натижавий кўрсаткич сифатида қаралади. Шу билан бирга, корхонанинг молиявий ҳолатини комплекс баҳолаш учун битта кўрсаткич билан чекланиб қолмаслик лозим. Корхонанинг активлар рентабеллиги (ROA)га таъсир килувчи омиллар сифатида яна бир неча: соф фойда маржаси, жорий ликвидлик, молиявий мустақиллик ва қарздорлик коэффициентларидан фойдаланиш молиявий ҳолатни кенгроқ баҳолаш имконини беради. Бундай молиявий кўрсаткичларни моделга киритиш солиқ юкининг таъсирини бошқа омиллар таъсиридан ажратиб баҳолаш имконини оширади.

Ушбу моделларни амалиётда қўллаш ва таҳлил қилиш оркали корхонанинг солиқ мажбуриятлари ҳамда молиявий ҳолати ўртасидаги муносабатларни чуқурроқ очиб бериш имконияти яратилади. Айниқса, хусусий солиқ юкларини алоҳида баҳолаш орқали қайси солиқ мажбуриятлари корхонанинг молиявий кўрсаткичлари билан статистик жиҳатдан кўпроқ боғлиқ эканини аниқлаш мумкин. Бу эса солиқ юкини баҳолаш ва корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган қарорларни илмий асосда ишлаб чиқиш учун муҳим ахборот базасини шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. — Тошкент: Адолат, 2020.
2. Воронин С.А., Мухитдинов З.Д., Джайдакбаев М.Т. Налоговая политика Узбекистана за годы независимости: этапы, тенденции и перспективы развития // Иқтисод ва молия. — 2016. — № 9. — С. 30–35.

3. Тўраев Ш.Ш. Иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштириш йўналишлари: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. — Тошкент, 2021.
4. Ачилова К. Э. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлигига солиқлар таъсирининг ташкилий-услубий асослари. *Economics and Innovative Technologies*. — 2025.
5. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли: монография. — Т.: Фан ва технология, 2008. — 204 б.
6. Jacob, M. Real Effects of Corporate Taxation: A Review. *European Accounting Review*. — 2022. — Vol. 31, No. 1. — P. 269–296.
7. Ўзбекистон Республикаси Солик кўмитаси расмий вебсайти.